

Тезкор гуруҳ хабар қилади

280 МИНТ ТОННАЛИК ХИРМОН УЧУН

ВИЛОЯТИМИЗ далаларида халқимизнинг асосий бойлиги — пахта йиғим-терими қизгин паллага кирди. Заршуносларимиз олтин кўзининг ҳар бир очкиқ кундан унумли фойдаланиб, «оқ олтин» хирмонини тобора юксалтиришмоқда. 6 октябрда виллоятимиз бўйича 39,24 фоз пахта тайёрлаб, кунлик ўсиш 3,04 фозини ташкил этди.

Утган кун виллоят далаларида 8489 тонна «оқ олтин» териб олинди. Шу кунгача утган пахта хирмони 109859 тоннадан ошиб кетди. Пахтакорларимиз бу йил мураккаб об-ҳаво шароитида ҳосил етиштиришди. Айтиш кераки, ҳароратнинг нисбатан паст келиши пахтанинг 5-10 кун кечикиб етилишига сабаб бўлди. Аммо, мутахассисларнинг фикрича, далаларимизда ҳосил ҳар қачонгидан мўл. Эндики вазиға — уни нес-нобуд қилмай, қисқа муддатда йиғиб-териб олишдан иборат.

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

ЎРТАЧИРЧИК заршунослари пахта тайёрлашда виллоят туманлари ичида пешқабили рақиб бўлмоқдалар. Бу бежиз эмас. Ававалбор туманнинг барча хўжаликлариди мўл пахта ҳосили тўпланди. Айни кунларда ҳамма пайкалларда пахта қийғос очилган. Далалар оппоқ уммонни эслатади.

Тошкент виллояти ҳокимлигининг виллоят деҳқонлари, ишчи-хизматчилари, зиёлилари, ёшлари — барча меҳнатқашларига Муржоаатида жуда тўғри айтиб ўтилганидек, «Бизни оқ ювиб, оқ тараб, ҳалол ризиқ-рўз билан сийлайдиган она заминимиз қўқсида деҳқон манғайидаги терлардан пайдо бўлган бойлигимиз — ПАХТА оқ денгиз бўлиб чайқалиб ётибди. Бироқ, бизга даладагиси эмас, хирмондагиси керак. Шу куннинг долзарб вазифасини ифодаловчи ушбу пурҳикмат сўзларни ҳаракат дастури қилиб олган туман ҳокимлиги, хўжаликлар раҳбарлари ялли сафарбарликни таъминлаш орқали марра сари дадил интилоқдалар.

суръат қўшмоқда. Зеро, қўлда терилган бир килограмм пахта учун қамиди 5 сўмдан, икки қаторли машинада терилган бир тонна пахта учун 135 сўм, тўрт қаторлида терилгани учун 85 сўмдан ҳақ тўлиниши теримчилар ва меҳанизаторлар моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Юқориқирчиқ, Чиноз, Ўртачирчиқ, Покент, Янгийўл туманлари миришкорлари ҳар бир ганимат диннинг қадрига етиб, кунлик пахта топширишда қарвонбошлиқ қилишпти. Бўка, Бекобод туманлари азаматлари ҳам суръатга-суръат қўшмоқдалар. Виллоят ҳокимлиги бу йилги

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги Оқунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг Раҳматилла Ёқубов бошлиқ «Илҳом» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган ҳосилини тез ва соз териб олишда барчага намуна бўлишди. Натияжада мавсумни пухта ташкил этган заршунослар йиллик режани биринчи бўлиб адо этдилар.

Туманда утган кун йиллик режанинг 3,31 фозини миқдорда пахта тайёрлангани ҳам фикримизни исботлаб турипти. Айни пайтда виллоятнинг чўнг хирмонига ҳисса қўшишга аҳд қилган ҳар бири киши ўз ўрнини пахтазорда деб билапти. Бир неча кунга хашарга отланганлар билан бир қаторда кўпчилик байрам ва дам олиш кунлари ҳам пахтакорларга мададкор бўлишпти.

ВАҚТИДА БАЖАРИЛМОҚДА

Бу корхона жамоаси ишлаб чиқараётган махсулотларни олувчи миқдорлар сафи мутасил кенгайиб бормоқда. Турли миллатга мансуб 150 нафарга яқин ишчи-хизматчилар барча буюртмаларни вақтида ва сифатли бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу сабабли ҳам йил бошидан бери 150 миллион сўмликдан ортиқ темир-бетон конструкциялари ва буюмларини тайёрлаб, харидорларга етказдилар.

ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

МАЛИКА Муродова билан учрашадан олдин фарзандларини унинг қўлига топширган оти-оналар сўхбатда бўлди. Улардан бири тарбиячининг ҳар кун тонгда кичкинтойларни очкиқ чехра билан қўлиб олиши, қамтарлиги ва ширин сўзлиги ҳақида гапирса, бошқиси билмили, малакали эканлиги ҳамда чинакам мураббийлигини таъкидладди.

ушшоқлик билан олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлиши мумкин. Бу йил 599 гектар ерда деҳқончилик қилган азаматларнинг ҳамма далаларида гўза қийғос очилган.

БОҒЧА МАЛИКАСИ

Бизга бир пасда бирдан унғача санаб берган Муҳаммаднинг отаси Маъмур-жон аса ўғилчасининг хали тонг отмасданок «боғчага олиб бори» деб холи жонига қўймаслигини, «Малика уни ўз меҳри билан сеҳрлаб қўйган»лигини қувониб гапириб берди.

СУЗ — НУРОНИЙЛАРГА

ЁШИМ етмиш олтидан ошди. Бу йиллар ичида ҳаётнинг аччиқ-чучуғини кўп тотдим. Гоҳо набираларим, чевараларим атрофинга тўпланди: бува, кўрган-кечирганларнингиздан гапириб беринг, деб қолишди. Гоҳо тенгдошларим билан чойхонада гурунглашиб, ўтмишнинг ёдга оламиз. Бугунги ёруғ кунларга етиб келганимизга шукроналар айтамыз.

КЕКСАЛАР СЕВИНЧИ

Айтишига қараганда, эллигинчи йиллар экан, чамаси. Зўрага кун қўраётган бир аравақашникига солиқчилар киришиб, қолхоз планини бажармагани учун икита кўрасининг пахтасини шилиб кетишибди. «Бисотимизда бори шу, биттасини қолдиринг», деб ялинса ҳам кўнишмабди.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Ангрендаги бу «4-темир-бетон буюмлари заводи» ҳиссадорлик жамиятининг тамғаси босилган қурилиш ашёлари мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳарлари ва туманларида қад кўтараётган иншоотлар, иморатларни барпо этишда фойдаланилмоқда. Фақат Тошкент, Наманган, Қўлистон бинокорлик ташкилотларининг ўзига бир неча миллион сўмлик темир-бетон конструкциялари етказиб берилди.

СУЗ — НУРОНИЙЛАРГА

Тунув кўни ҳам Тошбой деҳқон, Ҳасан кетмон, Худойберди оқсоқол тоза сўхбатлашди. Ёшлиқда қолхозга кириб ҳўқиз билан ер ҳайдаганимиз, мола босганимиз, деворлари пасткамрога қулбаларда жинчиркоқ ёқиб ашаганимиз, чакқалардан бедор бўлиб, том телганимиз ҳам қолмади. Аёлларнинг тун яримдан ўтганда ҳам қўсақ чувганига-ю, ўчоққа ўтин йўқлигидан қўлларни тезакдан чиқмаганигача ёдга олдик. Қўшни маҳалладан келган меҳмон ҳам анчагина гандон экан. Бир қизиқ воқеани айтиб берди. Уни эсласам ғазабим қайнайди.

ЧИРЧИК ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



БУГУНГИ Чирчиқ ший Осиёдагина эмас, шу қадар латофатли ва мафтункорки, уни ўрнига қўйиб таърифлаш жуда мушкул ва машаққатлидир. Бундан роппа-роса олтиш уч йил илгари шаҳар номини олган бу аҳоли манзилгоҳининг бунёд этилиши, тараққиётга қўрқам қиёфаси бу минтақада кимё санатининг йирик корхонаси ва электростанцияларининг барпо этилиши билан боғлиқдир.

миш қишлоқларнинг урнида пайдо бўлган бу шаҳар ҳозирги вақтга келиб киши қалбини тўлқинлантирувчи гузал чирой касб этишини, мўстақил республикамиз, Марказий Осиёдагина эмас, ҳатто, жаҳонда ҳам кўпчилик тилига тушишни хаёлига келтирмаган бўлиши, эҳтимолдан ҳоли эмас.

мактаблар, маданият муассасалари ишлаб турнипти. Бир вақтлардаги қинғир-қийшиқ, қишда лой, ёзда тупроқ қўчалар ўрнида замонавий кенг ва раван йўллар пайдо бўлди, уларнинг икки четига экилган манзарали ва мевади дархтлар атрофга файз килрипти турнипти.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги Оқунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг Раҳматилла Ёқубов бошлиқ «Илҳом» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган ҳосилини тез ва соз териб олишда барчага намуна бўлишди. Натияжада мавсумни пухта ташкил этган заршунослар йиллик режани биринчи бўлиб адо этдилар.

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИБ

ЧИНОЗ туманидаги Собир Раҳимов номли ширкатлар уюшмасида бўлган киши йиғим-терим нихоятда

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги Оқунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг Раҳматилла Ёқубов бошлиқ «Илҳом» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган ҳосилини тез ва соз териб олишда барчага намуна бўлишди. Натияжада мавсумни пухта ташкил этган заршунослар йиллик режани биринчи бўлиб адо этдилар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги Оқунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг Раҳматилла Ёқубов бошлиқ «Илҳом» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган ҳосилини тез ва соз териб олишда барчага намуна бўлишди. Натияжада мавсумни пухта ташкил этган заршунослар йиллик режани биринчи бўлиб адо этдилар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги Оқунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг Раҳматилла Ёқубов бошлиқ «Илҳом» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган ҳосилини тез ва соз териб олишда барчага намуна бўлишди. Натияжада мавсумни пухта ташкил этган заршунослар йиллик режани биринчи бўлиб адо этдилар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги Оқунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг Раҳматилла Ёқубов бошлиқ «Илҳом» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган ҳосилини тез ва соз териб олишда барчага намуна бўлишди. Натияжада мавсумни пухта ташкил этган заршунослар йиллик режани биринчи бўлиб адо этдилар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги Оқунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг Раҳматилла Ёқубов бошлиқ «Илҳом» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган ҳосилини тез ва соз териб олишда барчага намуна бўлишди. Натияжада мавсумни пухта ташкил этган заршунослар йиллик режани биринчи бўлиб адо этдилар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги Оқунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг Раҳматилла Ёқубов бошлиқ «Илҳом» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган ҳосилини тез ва соз териб олишда барчага намуна бўлишди. Натияжада мавсумни пухта ташкил этган заршунослар йиллик режани биринчи бўлиб адо этдилар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги Оқунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмасининг Раҳматилла Ёқубов бошлиқ «Илҳом» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган ҳосилини тез ва соз териб олишда барчага намуна бўлишди. Натияжада мавсумни пухта ташкил этган заршунослар йиллик режани биринчи бўлиб адо этдилар.

МУАММОНИНГ «МАФИЗИ» МУҲИМ

БИЗ тилга олаётган бу ҳужалик бир вақтлари «Хасково» номи билан аталарди. Вилоятдаги энг илгор чорвачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган жамоа саналарди...

Ўтиб кетди. Орадан 14 йил вақт ўтди. Бу давр мобайнида ҳужалик раҳбари беш маротаба ўзгарди. Табиийки, ҳар бир янги раҳбар жамоани ўз йўриғига олмақлик учун ҳаракат қилди...

римиэнинг ҳолатини, қишлоқнинг паст-баландини, одамларнинг феъл-атворини яхши биларди, дейишди. Лекин Турғун аканинг рағбати йўқ эди. «Ёшим бир жойга етиб қолган. Энди бўёғига...» Бироқ, жамоатчиликнинг истак ва талабларини қайтара олмади.

Ҳужаликнинг номи ўзгаририлиб, «Назарбек» жамоа ҳужалигига айлантирилди. Кўпчилик бир овоздан Турғун Бегматовни раис қилиб сайлади. Мухбиримиз яқинда мазкур жамоада бўлиб, раис билан ҳужаликнинг ҳозирги кундаги аҳоли, келгусидаги режалар ва муаммолар ҳақида сўхбатлашди.

— Турғун Бегматович, қарздорлик бу ёмон нарса. Ориятли одам қарздор бўлса, ётиб уйкуси келмайди. Еган-ичгани татайидади. Мана, сиз ҳужаликка раҳбар бўлганингиздан кейин қарзни худди ўзингизнинг қарзингиз, деб ҳисоблагансиз.

— Бўлмасамчи. Халқимизда бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер, деган нақл бор. Шунинг учун мен қайтадан ишга келган кунимдан бошлабок ана шу тузни оқлашга астойдил ҳаракат қилдим. Тажрибали деҳқонлар билан гаплашдим. Айримлар тиричилигимиз ўтмапти, деб кетиб қолишган эди. Уларни қайтариб олиб келдик. Аҳвол ниҳоятда оғир эди. Хосилдорлик камайиб кетганди. Масалан, 1996 йил якунига қара ҳужалик турли ташкилотлардан 8 миллион сўм қарз бўлиб қолган экан...

— Бу жуда қийин масала. Бироқ, инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Демократик, мақсадга эришиш учун қўлимиздан қаламолмай турган бир қанча муаммоли масалаларни ҳал қилиш керак. Мана, ўзингиз ҳам биласиз. Биз оила пудрати сабзавотчиликда энг маъқул усул деган гапларни кўп эшитамиз...

Ваҳоланки, пудратчи ҳам осон эмас. Биз кўчатни, уруғликни ҳужалик йўли билан — мутахассисларнинг қатъий назорати остида, қафолатланган ҳолатда етказиб бериш имкониятига эга эмасмиз. Сабаби иссиқхона хусусийлашган. Уларга ҳамма вақт ҳам гапимиз ўтавермайди. Ферма ҳам хусусийлашгани учун гўнг асосан ўзларидан ортамади. Пудратчилар уруғликни, кўчатни ўзлари тайёрлайдилар. Ҳамма вақт ҳам сифатли чиқармайдими. Гўнгни ҳам ўзлари у ёққа, бу ёққа елиб-юғуриб топадилар. Қани энди, уларга ерлар 5—10 йилга шартнома қилиб берилса!

— Жуда кўпгина ҳужаликларга хос муаммо бор. Бу техника масаласи. Шундай эмасми? — Ҳақиқатдан ҳам бу гоғ долзарб масала. Сабаби бир вақтлари олинган техникаларнинг бари бугунги кунда эскириб, муддатини ўтаб, ишдан чиқиб бўлди. Янгисини сотиб олишга эса қурбимиз етмайди. Эскисини ямайвериб эсимиз кетяпти. Эҳтиёт қисмларни эса пул ўтказиш йўли билан олиш қийин. Нақд пулга эса сотиб оломаймиз.

— Сир эмас. Ҳозирги пайтда деҳқон етиштираётган маҳсулот билан унинг ўзига керакли воситалар баҳоси — нархи ўртасида мутаносиблик йўқ. Фарқи ер билан осмонча. — Бу энг оғир масаладир. Бундай мушоҳада қилиб кўрайлик. Техника, ёқилғи-мойлаш материалларнинг нархи йил сайн кўтарилиб кетмоқда. Лекин деҳқончилик маҳсулотларига келганда...

— Мана ҳам бу фикрга қўйиламан. Биз ҳисоблаб чиқдик. Солиқнинг ўртача 12 тури бор. Ҳаммаси жамланиб биз ҳар йили тахминан 4 миллион сўм солиқ тўлаймиз. Солиқларнинг тури кўплиги баъзида ҳисобдонларни ҳам адаштириб юборади. Тўғри, ҳар бирининг ўз ўрни бордир. Йилнинг қандай келиши, даромад ва бурумадга қараб бу солиқларнинг миқдори озроқ, баъзан кўпроқ бўлиши мумкин. Лекин барибир сони кўп уларнинг. Негэ ўртача суммани чиқариб бир йўла тўлаш мумкин эмас?! Ана шунда қўғозболликка, сансоларликка, асаббузарликка чек қўйилармиди.

— Биз ўша кун Турғун ака билан узоқ сўхбатлашдик. — Йўқ. Сиз, тағин раис муаммоларни қалаштириб ташлади-ку, қанақаси бўлди, ҳозир ҳар ким ўз томига ёққан қорни ўзи қурайдиган пайтқа, деб ўйламан, биз ҳам буни тушунамиз. Қараб турмаймиз. Лекин қўлимиздан келмагандан кейин иложимиз қанча! Ахир бу муаммолар тезроқ ҳал этилса, Президентимизнинг фармонларини, йўл-йўриқ, кўрсатмаларини ҳаётга тadbик этиш, қишлоқ ҳужалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шунчалик тезлашади.

Турғун аканинг қуюниб, юракдан чиқариб айтган бу гаплари мутасаддиларни бефарқ қолдирмаслигига ишонгимиз келади. Носир РИХСИБ.

Мушоҳадада чорлаймиз

Гап шундаки, бизнинг ерларимиз паст-баландликдан иборат. Нишабли. Шунинг учун, энг аввало моҳир сувчиларни танладик. Чунки сув қўйилганда хушёр бўлиб турилмас таупроқни ялаб, ер тағига уриб кетади. Бундай аҳволда бугдой қониб сув ичмайди. Иккинчидан, бизга бир ариқдан келадиган сув билан мавсумда кўпи билан 100 гектар бугдойни қондириб сугориш мумкин.

Бу ҳақдаги фикримизни, ҳисоб-китобни далиллар билан туманимиз раҳбарларига тушунтирдик. Улар бизнинг таклифимизни ҳисобга олишди. Бу йилги натижалар аввалги йиллардагига қараганда самарали бўлиши кўтилмоқда. Бугдой ҳосилдорлиги 31 центнерга етди. Сабзавот топириши давом этмоқда. Режа ортинги билан бажарилади. Чунки деҳқонларда қизиқиш катта. Манфаатдорликни амалда ҳис қилмоқдалар. Айрим тадбиркор, миришкор деҳқонларимиз борки, уларнинг маҳоратига тан бераемиз. Мана, Абдувоҳид Восиқов бошлиқ пудратчилар оиласини оилайлик. Бу оила 2,5 гектар ерда деҳқончилик қилади. Асосий эътиборни плёнқадан фойдаланиб, мумкин қадар эрта ҳосил етиштиришга, бир ердан икки-уч марта маҳсулот олишга қаратади. У 1 гектар ердаги эртаги қарамдан 700 минг сўм фойда олди. Бўшаган ерга помидор экиб, плёнқа ёпиб ундан ҳам мўл ҳосил топишди. Қарамдан бўшаган 1 гектар ерга кечки картошка экиб қўйган. Қисқаси у 56 тонна маҳсулот сотди. Шу ҳисобга 1 миллион сўмга яқин даромад қилди. Шартномага қара бу даромаднинг 70 фоизи унга иш ҳақи қилиб берилди. Биз бу деҳқоннинг тажрибасини бошқалар ўртасида ҳам кенг ёйишга ҳаракат қилмоқдамиз.

— Хуллас, гапнингизнинг мазмуниндан билдикки, ўтган 2 йил давомида агар тазбир жонз бўлса, бир жойда туриб қолган аравини қўзғатиб, йўлга олиб чиқибсизлар. Бу катта гап, албатта. Бироқ, назаримда ҳали қилинадиган асосий ишлар олдинда турибди. Айтингчи, ҳужаликнинг аввалги шухратини тикласа бўладими?



Маълумки, Ўзбекистон заминда етилиб чиқадиган мевава сабзавот, ползу зироатнинг тури жуда кўп. Санаб адоғига етиш қийин.

Лекин, очигини айтганимиз бўлса, юртимизда ўсадиган мевава сабзавотлар, қовун-тарвузларнинг кўпи бошқа мамлакатларда ҳам бор. Ҳатто, айримларининг ташқи қўриниши кўпчиликни тўқ қолдириши аниқ. Бунга чет элларда бўлганимизда ёки ўзга мамлакатлардан келтирилган мева-сабзавотларни кўрганимизда кўп маротаба амин бўлганмиз.

Аммо, унинг таъмига келганда ўзимизнинг еримизда етилганининг олдига тушадигани йўқ. Чунки, саҳий кўшимиз нуридан баҳраманд бўлган мева-чеваларнинг шираси ўзгача, узумнинг донасидан бол томади, қовун-тарвузларнинг тилими тилвини ёради. Хар йили дала ва боғларда, ползу пайкалларда минглаб тонна шифобахш неъматлар факат етилади. Лекин, уни факат пишиқчилик палласидагина еб тугатиб бўлмайди.

Асалнинг ози ширин деганларидек, кўн бўйи тинмай мева, узум, қовун-тарвуз ёлмайди. Бунинг иложи ҳам йўқ. Шу сабабли ҳам етиштирилган ҳосилнинг бир қисми исроф бўлиши табиий. Хўш, исрофгарчиликнинг олдини олиш, катта меҳнат эвазига етиштирилган бебаҳо, шифобахш неъматлардан аҳолининг йўли бўйи баҳраманд бўлишини таъминлашнинг йўли борми? Бор, албатта. Бунинг учун ҳосилни қайта ишлаш, консервация, турли шарбатлар, мурабболар, қиёмлар тайёрлаш, уларни чиройли қилиб қадоклашни йўлга қўйиш лозим.

— Мен анча йилдан бери шу корхонада ишлайман, — дейди бош иқтисодчи Қўчқор Бердубоев. — Сўнгги йилларда раҳбарлар тез-тез алмашиб табиий. Хўш, исрофгарчиликнинг олдини олиш, катта меҳнат эвазига етиштирилган бебаҳо, шифобахш неъматлардан аҳолининг йўли бўйи баҳраманд бўлишини таъминлашнинг йўли борми? Бор, албатта. Бунинг учун ҳосилни қайта ишлаш, консервация, турли шарбатлар, мурабболар, қиёмлар тайёрлаш, уларни чиройли қилиб қадоклашни йўлга қўйиш лозим.

— Ҳа, халқимизда қаловини топсанг, қор ёнар, деган нақл бор. Мухторжон у йўқ, бу йўқ, деб қараб ўтирмади. Иш юришмагунча ўзи ҳам тинмади, бошқаларни ҳам тинчтормади. Ҳадеб буйруқ беравермасдан ўзи ишда ҳам, интизомда ҳам намуна кўрсатди. Раҳбарнинг қуюнчақлигини қўлдан, ўзлари ҳақида гамаҳўрлик қилаётганлигини сезган ишчилар ҳам, мутахассислар ҳам ўз вазифаларига масъулият билан ёндаша бошладилар. Қўллар аҳолини ўнглаш учун таклифлар киритдилар.



Носир РИХСИБ.

Иқтисодиёт оидмлари ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Таклифнинг фойдаси йсботланса, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Яхши таклиф эгалари рағбатлантирилди. Буни қўлдан қўлаб малакали ишчилар, мутахассисларда иланиш кўчайди.

Хўжаликнинг олдинги йилларда корхонага топширган маҳсулотларига вақтида пул олмагайликларни учун мева ва сабзавотларни бошқа жойларга жўнатиш пайида бўлардилар. Энди бундай йўл билан ҳеч нарсага эришиб бўлмасди. Хўжалик билан ўзаро ишончи ҳамкорликни йўлга қўйиш керак эди.

Шу боис тумандаги барча ҳужалик раҳбарлари, фермерлар, шахсий томоғқа эгалари билан сўхбатлар ўтказилди. Дастлабки маҳсулотдан тушган пуллари озоқ бўлса-да, уларнинг ҳисобларига ўтказиб берилди. Бошқа туманлардан ҳам хом ашё келтириш ташкил этилди. Йил мобайнида ҳиссдорлик жамияти Тошкент, Юқоричирчик, Охангарон, Паркент, Ҳарчирчик, ҳатто, Самарқанд вилоятининг Булунгур туманидан маҳсулот олиб турганини айтиб ўтишнинг ўзи қифоя.

Харакатда баракат деганларидек, қисқа вақтда янги Тошкент консерва ҳиссдорлик жамиятида маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам, сифати ҳам ортди. Жамоа каспасига пул тушди. Деҳқонлар, соҳибкорлар етказиб берган ноз-неъматлари учун ҳақ олишди. Қайта ишловчилар маошсиз қолишмади. Шу сабабли ҳам корхонада ишлар тобора юриша бошладди.

Бу ерда қайта ишланган мева-сабзавотлар ҳажмини ошириш билан бир қаторда маҳсулотни қадоклаш учун етарли миқдорда идишларга эга бўлиш ҳам долзарб муаммолардан эди. Бунинг ҳам...

уддасидан чиқилди. Томат пастаси учун идиш тайёрлашда ишлатиладиган темир Россиядан келтирилган бўлди.

Лекин ҳали ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Биргина ишлаб чиқаришнинг ҳажми алмисокдан қолган қолипда. Епиладиган қопқоклари ҳам талабга жавоб берайди.

Бу борада ҳам қараб ўтирилгани йўқ. Чет эллик ишбилармонлар билан музокара қилиб берилди. Худо хоҳласа, яқин келажакда майда, чиройли идишларга солинган турли хил маҳсулотлар аҳолига тортиқ этилади. Улар чет элга ҳам чиқарилади.

Излаган имкон топар, деганлар рости экан. Ишлаб чиқариш ҳажми кескин паясий, қарзга ботиб қолган корхонани омилиқорлик билан оёққа турғизаётганларнинг гапларига ишонса бўлади. Чунки, ҳиссдорлик жамияти жамоасининг айни кунлардаги иши, раҳбарларнинг жонқуралиги бундан далолат бериб турибди.

Рихсивой ҚАРИМОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Жамият раиси Мухтор Акбаров лабарант Ирина Телюк билан таёйр маҳсулотни қўздан кечирмоқда; Дилдора Мусабоева доимо ўз топшириқларини аъло даражада бажаради; илгор ишчилардан Муясир Имомбоева, Дилбар Пармонова, Дилбар Хусеновалар иш устида.

Умид АҲМЕДОВ олган сураатлар.



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҚИСҚА САТРАДАРДА

ХИТЎЙ халқи энг катта миллий байрам — Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган куннинг 49 йиллигини нишонлади.

ЛАТВИЯДА парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 20 дан зиёд партия ва сиёсий оқимлар қатнашди. Юз ўрилик парламентдан жой олиш учун кенгаз кураш анча қизгин бўлди. Аммо, ҳеч бир партия кўпчилик овоз ола олмади. Шунингдек, уша кунги фуқаролик тўғрисидаги қонунга ўзгаришлар киритиш бўйича ҳам референдум ўтказилди.

БУГУН бутун Россия Федерацияси бўйлаб умумроссия норозилик намойишлари бўлиб ўтди. 37 минг корхона ишчилари, олимлар, ўқитувчилар, қишлоқ ҳужалиги меҳнаткашлари, олий ўқув юртлири талабалари ва бошқа соҳа кишиларидан иборат намойишчиларнинг сони 10 миллион нафардан ошди, деб тахмин қилинмоқда.

ҚОЗОҒИСТОНДА «Евроосий — 98» деб аталган МДХ давлатларнинг кино маҳсулотларига бағишлаган фестивал бошланди. Унда иккинчи ҳажон ўраш йилларида яратилган, лекин, маҳфий ҳисобланган кино тасмалар ҳам намойиш этилмоқда.

15 МАМЛАКАТ аъзо бўлган халқаро жиноятчиликка қарши курашнинг янги маҳкамаси — «Еропол» иш бошланди.

ЗАРАРНИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

АВГУСТ ойида АКШ ҳарбий ракеталарни Афғонистон ҳамда Судандаги айрим нуқталарга зарба берганидан кейинги шов-шувларнинг акс садои ҳамон анграб туряпти. Судан президенти Умар Ал-Башир яқинда баёнот бериб, Саудия Арабистони фуқароси Усама бин Ладен унинг мамлақатида яшаб турган даврда қўпроқуччилик билан шугулланувчи гуруҳ тузмаганини айтди. Энди расмий доиралар Судандаги табиий маҳсулотлар тибиий чиқарувчи «Аш-Шоф» корхонасини ваёрон этилганлиги учун АКШ томонидан тован талаб қилмоқдалар. Уларнинг талаби битта — зарар қоплашни лозим ҳамда Ок уй расман кечирим сўраши керак.

ЮГОСЛАВИЯ БОМБАРДИМОН ҚИЛИНАДИМИ?

КОСОВО можароси Оврупо қитъаси танасидаги чилпон қаби ҳамон оғрик бериб туряпти. Унинг атрафдаги халқаро сайё-ҳаракатлар ҳам ижобий натижалар бермади. Мухолиф томонлар бир-бирларига асло ён бергилири келмаётди. Оқибатда қўлаб бегуноҳ кишилар ноубуд бўлмоқда. Югославия президенти Слободан Милошевич БМТ Хавфсизлик Кенгаши давлатларга уналчиқ қулоқ солмаётди. Яқинда Горне Обрине қишлоғида топилган 18 мурда халқаро ташкилотлар вакиллари бўлган кишиларни қайратта солди. Улар асосан аёллар, қаришлар ҳамда норасида гўдақлар эди.

Шундан сўнг НАТО доираларида Югославияга нисбатан ҳарбий ҳазо қўлаш мурдаси ёрқинроқ шакл касб эта бошладди. Айни кунларда Югославиядаги тинч ҳаёт катта хавф остида туряпти. Ут очиниш тўхташтири, Косово масаласини музокара қилиб йўл билан ҳал этиш, қочоқларни ўз масканларига қайтариш, ақд бовар қилидиган даражада Косовога мустақиллик бериш сингари таъмоийларни ўз ичига олган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1199—резолуцияси қандай амалга оширилмоқда? Ана шу саволга жавоб бериш учун бугун БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгаши мажлисида маъруза қилади. Агар БМТ қотиб Югославия ва...

ХОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

ЧЕЧЕНИСТОН осмонидан яна қора булуғлар қулоқлаша бошладди. Бунга расмий давлат раҳбарияти билан «ўзига хон, ўзига бек» дала қўмондонлари кенгаши ўртасидаги келишмовчиликлар сабаб бўлмоқда. Президент Аслан Масхадов бошқарувидаги бутун тизгинини тўлиқ қўлга олишга ҳаракат қилиётган бир пайтда Ш. Басаев, С. Радуев, В. Исроиллов сингари дала қўмондонлари мамлакат парламентида мақсуб йўлдаи А. Масхадовни раҳбарликдан четлатиш...

ҚўПАЙИШДАГИ ОЗАЙИШ

АВТРАЛИЯ аҳолиси, статистика маълумотларига қараганда, 18,7 миллион кишига етди. Утган бир йил мобайнида мамлакат аҳолиси 222 минг кишига қўпайди. Аҳоли ўсиши 1,3 фоиздан 1,2 фоизга тушди. Аҳоли сонининг бундай суст суратда ўсиши нафақат Австралига келаятган муҳожирлар сонининг камайгани, балки, муқим яшаш учун хоризга чиқиб кетаётган кишилар сони ошганилиги билан ҳам изоҳланади. Маълумотда айтилишича, 1997 йилда Австралиани 162 минг киши тарк этган бўлса, 1998 йилда улар сони 180 минг кишини ташкил этди.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАР ЭКАН

РОССИЯНИНГ Воронеж шаҳри яқинидаги Ново-Усмановск қишлоғида истикомат қилувчи Елена Георгиевна Шишкина кун кеча ўзининг 18 фарзандини кўрди.

ЛОС-АНЖЕЛЕС шаҳри қўчаларида турувчи йўл полицияси зобити наватбадга машинани текшириш учун тўхтапти. Унинг ичидан чиқиб келган йигит ҳужжатларини нозирга тутқазди. Унинг фамилиясига қўзи тушган нозир «Сизнинг онангиз фалончими» деб сўради. Йигит тасдиқлади... Уша онда машина ҳайдовчиси ва полиция зобити йиллаб, қучоқлашиб кетишди... Маълум бўлишича, зобит 25 йилдан бери қидириб юрган уша йигитнинг отаси экан.

ҲАҶОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

КАВАРДОН — сўлим кишлоқ. Табиати ғузл, сержило. Бу ерда истикомат қилувчиларнинг қалби ҳам ҳудуд чиройига торган. Саховатли, оилалар бир-бирларига меҳрли. Айниқса, бу оқибат бозор иқтисодиётининг ҳозирги ўтиш даврида аниқ сезилмоқда. Кавардон маҳалласидаги ким билан гаплашсангиз, унинг оқсоқоли Ахрорхўжа Иброхимхўжаев тўғрисида ўзгача бир журмат билан сўзлашади. Фаолларнинг бошини қовуштириб кам таъминланган оилаларда сарфайш тўйлар ўтказишга бош-қош бўлгани, аҳолининг турли байрамларини аҳиллик билан нишонлашларида унинг ўзига хос ўрни борлигини таъкидлашади.

Худди шундай илик, самимий миннатдорчиликларни «Дўстлик» маҳалла кўмитаси раиси Мукаррам Исмолова ҳақида ҳам эшитганмиз.

— Хар икковлари ҳам кўнчилик хизматида турган инсонлар, — дейди улар ҳақида Юқоричириқ маҳалла

Маҳалла — ҳаётимиз кўзгуси

БУГУННИНГ ТАЛАБИ ЎЗГАЧА

хайрия жамғармаси раиси Иззат Султонова, — ҳар бир оиланинг қувончли кунлари, таъшишли онларида ҳаммаша ёнма-ёнлар. Опа мазкур маҳаллаларда ёшлар тарбиясига бағишлаб ўтказилаётган турли тадбирлар, кўриқлар мунтазам йўлга қўйилган маънавият соатлари яхши самара бераётгани ҳақида гапириб маҳалла оқсоқоли, яъни кўмита раиси ташкилотчи, билимли, маънавий етуқ бўлса давр руҳини идрок этса, ишлар раван кетишини алоҳида қайд қилди.

Аслида ҳам шундай. Оқсоқол юксак инсоний фазилатлар соҳиби, худудидаги кишилар олдига ҳурмат қозонган, бугунги кун талабларидан аниқроғи кўмутиамиз олиб бораётган сиёсатдан тўла хабардор инсон бўлиши керак. Эро истиклол йиллари ичида маҳаллага бўлган ишонч ва ҳурмат давлат микёси даражасига кўтарилди. Туб мазмунли гаҳмўрлик билан

сўғорилган: кам таъминланганларни моддий қўллаб-қувватлаш, 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлаш, маҳалла ҳудудидаги кичик корхоналар, цехлар, хусусий дўконлар фаолиятини бошқариш ва энг муҳими ёш авлод тарбияси билан изчил шуғулланишдек вазифалар маҳалла оқсоқоллари, фаоллари зиммасига юклатилди.

Вилоятимизда ана шу режаларни муваффақиятли уқдалаётган, маҳалла шартшароитини, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш йўлида фидокорлик кўрсатиб ишлаётган фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар аччакчи. Бекобод шаҳридаги Мўқимий номи «Маҳалла» кўмитаси раиси Обид Ҳожиमतов, Тошкент туманидаги «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Эркин Фуломов, Унқор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Меҳрибон Тоғиева қабилар шушар жумлашадилар.

Шу йилнинг ёз ойларига

сиёсатдан беҳабарлик, лоқайдлик, боқимандалик кайфиятидан ҳоли бўлолмаслик, ташаббускорликнинг етишмаслиғидир. Билм ва малакани текшириш комиссияси «сафдан тушиб қолганлар» фаолиятига ана шу нуқсонлар тўсиқ бўлганлигини таъкидлади.

Бугунги кунда маҳалла оқсоқолидан талаб ўзгача. Чунки, юртбошимиз таъкидлаганидек маҳалла — ижтимоий ҳаётимиз кўзгусидир. Халқимизнинг энг сара анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл улуснинг, ҳамжихатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда.

Маҳалла ҳозирги пайтда Ватан ичра ватан сифатида республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни, фармонлар ва қонунларни халққа етказишда, кенг миқёсда тарғибот ишларини йўлга қўйишда таянч маскан ҳисобланади. Бу режаларни рўёбга чиқаришда оқсоқоллар ҳаммаша ташаббускор бўлишлари керак.

Саид ВАЛИЕВ.

СПОРТ *СПОРТ *СПОРТ *СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ШАҲДАМ ОДИМИ

ҚАЛМИФИСТОН пойтахти Элиста шаҳрида жаҳон шахмат олимпиадаси бошланди. Олимпиадада 110 мамлакатдан 110 эркеклар ҳамда 72 хотин-қизлар командаси иштирок этмоқда.

Олимпиадада учта тур ўйнади. Республикаимиз шахматчилари бу босқичлардан муваффақиятли ўтмоқда. Эркаклар командаси учта галабага эришти. Ҳамюртларимиз Қатар шахматчиларини 4:0, туркиялик шахматчиларни 2,5:1,5 ҳисобида ютиб, грузиялик шахматчилар билан 2:2 ҳисобида дуранг натижага эришти.

Мамлакатимизнинг хотин-қизлар командаси Жанубий Африка республикаси командаси устидан 3:0 ҳисобида галаба қозониб, вьетнамлик шахматчилар билан 1,5:1,5 ҳисобида дуранг уйнаган бўлса-да, арманистонлик дугоналарига 0:3 ҳисобида ютқизиб қўйишти.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИ СЕРИЯСИНДА 1998 - йИЛНИНГ

«ДЎСТЛИК»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

пактакорчи Миржалол Қосимов ва Азамат Абдураимовлар ҳам рақиблар дарвозасини 3 мартадан забт этиш имкониятига эга бўдилар, лекин имкониётдан тўлиқ фойдалана олмадилар. «Пактакор» ўзи майдонда Бекободнинг «Металлург» жамоасини қабул қилиб, 1-бўлимда тўла устунликка эришиб олди. Тўпурлар баҳсида карвонбошлик қилаётган Қосимов бу учрашувда ўз ҳисобига яна 2 тўп қўшиб қўйди ва рақиблар дарвозасига киритган тўплари сонини 20тага етказди. Рақиблар дарвозасига белгиланган 11 метрлик жарима тўпини эса дарвозага аниқ кирита олмади. 2-бўлимда майдонга тушган Азамат Абдураимов ҳам рақиб дарвозасига 2та тўп киритишга эришти. Бир маротаба дарвозабон билан яқма-яққа қолиб 3-тўпни кирита олмади. Бекободликлар майдон эгалари дарвозасига 1та жавоб тўп киритишга муваффақ бўдилар. Учрашув «Пактакор»нинг йирик ғалабаси билан якунланди. Ҳисоб 5:1. Пешқадими қувиб бораётган Фарғонанинг «Нефтич» жамоаси Тошкентда «Трактор» қарши тўп суриб, 3:0 ҳисобида навбатдаги галабани қўлга киритди. Наманганнинг «Навбахор» жамоаси ўз майдонидан Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси устидан 2:0 ҳисобида ғолиб чиқди. «Косонсой» ўз майдонда Термизнинг «Сурхон» жамоасини қабул қилиб, ғалабани бой берди. Улар рақиб дарвозасини 2 маротаба ишғол қилиб, ўз майдонларидан эса 3 маротаба тўп ўтказиб юбордилар. Уйин 3:2 ҳисобида меҳмонлар

ғалабаси билан якунланди. Худди шундай ҳисоб Навойнинг «Зарафшон» жамоаси билан Урганчининг «Хоразм» жамоаси ўртасидаги учрашувда қайд этилди. Фақат бу учрашувда майдон эгалари Навойнинг «Зарафшон» жамоаси галаба қозонди. Қаршининг «Насоф» жамоаси Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси билан учрашиб, рақиб дарвозасига 4 маротаба тўп киритдилар. Темирйўлчилар эса 1 тўп билан жавоб қайтардилар. Уйин 4:1 ҳисобида «Насоф» ғалабаси билан якунланди. Пойтахт армиячиларининг «Бухоро» жамоаси билан ўтказган учрашувлари ҳам дарвозабон қиритилган тўпларга бой бўлди. Бу учрашувда 8 маротаба дарвозабон ишғол қилинди. Армиячилар «Бухоро» жамоаси дарвозасига 2та тўп киритдилар. Ўз дарвозабонларидан эса 6 та тўп ўтказиб юбордилар. Уйин 6:2 ҳисобида «Бухоро» жамоаси ғалабаси билан якунланди. 24-турдан сўнг, жадвалда «Пактакор» жамоаси 57 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Уларда яна 2та кениктирилган уйин бор. 2-ўриннинг «Нефтич» жамоаси 56 очко билан иккинчи эгаллаб турибди. 3-ўриндаги «Навбахор» жамоасида 50 очко бор.

Навбатдаги 25-турда вилоятимиз вакили «Дўстлик» жамоаси Қўқонда «Темирйўлчи» қарши майдонга тушса, Бекободнинг «Металлург» жамоаси ўз майдонидан «Зарафшон» билан учрашди.

Талъат ЮСУПОВ.

УРИБ ТУРГАН ЮРАККА УРИЛГАН ТИГ

АМЕРИКАЛИК жарроҳлар гуруҳи ўн кун мобайнида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Академик В.Вохидов номидаги Жарроҳлик маркази ходимлари билан ҳамкорликда ўн бешта мураккаб операция ўтказди.

Юрак ва қон томирлари жарроҳлиги бўйича етакчи Америка мутахассисларининг Тошкентга келиши бежиз эмас. В. Вохидов номидаги марказ Марказий Осиёда бу соҳадаги йирик даволаш ва илмий-тадқиқот маскани ҳисобланади. Бу ерда ноёб операциялар ўтказилибгина қолмай, юрак-томирлари тизими, нафас йўллари ҳамда қорин бўшлиғи органлари касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг энг янги технологиялари ишлаб чиқиля, ўлаштирилади.

Марказ жонда катта эътибор қозонган. Сўнгги йилларда марказда кўпгина мамлакатлардаги машҳур олим ва амалиётчи шифокорлар иштирокида бдан ортик конференция ўтказилгани бунинг исботидир. Хорижий мутахассис-

лар Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Швейцария, Франция, Германия, Испания ва бошқа мамлакатлар жарроҳлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ўзбекистонлик шифокор ва мутахассисларнинг хорижга ана шундай сафарлари ҳам йўлга қўйилган.

Энг сўнгги мисол — америкалик шифокорлар ташрифидир. Шифокорлар гуруҳига Колорадо штатидаги Денвер шаҳри университетиде клиника профессорлари Д. Эллиот бошчилик қилмоқда. Бу клиника коронар

артериялар жарроҳлиги соҳасида жаҳонда етакчи ҳисобланади. Д. Эллиот В. Вохидов номидаги марказда ўзбекистонлик кардиохирурглар билан ҳамкорликда бир қанча мураккаб операция ўтказди. Бу гал қўлланилган технологиянинг ноёблиги шундаки, операция уриб турган юракга ўтказилди! Жаҳоннинг энг машҳур клиникаларида кейинги икки йилда қўлланила бошланган бу усул энди Ўзбекистонда ҳам қўлланилмоқда. Илгари марказда бундай операциялар сунъий қон айланishi шароитида тўхтаб қўйилган юракда ўтказилар эди. Янги тиббий технология операция ўтказиш вақтини қўсқартиради, операция асоратларини кескин камайтиради, беморнинг тезда тубалит кетишига имкон беради.

Ўзбекистонлик ва америкалик шифокорларнинг ҳамкорлигидаги иши мобайнида бошқа янги мураккаб усуллар ҳам ўлаштирилди. Бунга марказ энг замонавий апаратура билан жиҳозланган ташқари, АҚШлик жарроҳларнинг эътирофи аниқ. Тошкентлик жарроҳларнинг энг юксак даражадаги мутахассис экани тўғрисида ҳам эришилди. Америкалик шифокорларнинг тошкентлик ҳамкасбларини ҳақидаги бу фикри ягона эмас. Марказ жарроҳлари жуда кўп ҳамкорлик пайтида, шунингдек, ўзларининг етакчи хорижий клиникаларга қилган сафарлари пайтида ҳам ана шундай баҳо олган.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.



ОЙГА УХШАР, ҚИЗАЛОҚ

Сочлари жамалак,
Ойга ўхшар, қизалоқ,
Қирқ кокили қирқта
Сойга ўхшар, қизалоқ.
Жонона, жонона,
Малоҳатда ягона —
Айтсам бор хислатин,
Тойга ўхшар, қизалоқ!

Равиль АЛЬБЕКОВ сурат-лаваҳси.

Шифокор маслаҳат беради

ЮРТИМИЗ сарҳил мева ва сабзавотлар маскани. Ёз ва куз ойлари пишиқлик бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларидан турли қиём, мураббо, зирвар консерва қилиш одат тусига қиради. Айниқса, помидор, бодринг, булғор қалампир ҳамда бақлажондан ҳар хил тузламалар кўп миқдорда тайёрланмоқда. Хўш, буларнинг тайёрлаш технологияси қандай? Уй шароитида шуларга эътибор бераямизми?

БОТУЛИЗМ КАСАЛЛИГИДАН ОҒОҲМИСИЗ?

Текширувлар натижаси шунки кўрсатмоқдаки, уй шароитида тайёрланган консерваланган маҳсулотлар мутлақо талаб даражасида эмас. Технологияга амал қилинмаган. Масалан, Чирчиқ шаҳри ва Янгийўл ҳамда Оққўрғон туманларида 4 та ҳолат қайд қилинди.

17 киши касалланиб, 4 нафар одам оламдан бевақт куз юмди. Ўткир захарланиш консерва қайнатилганда, 80 даража киздирилганда эса 30 дақиқа ичида парчаланиши мумкин. Гўшт ва балиқ бўлақчалари камиде бир соат қайнатилса, токсин таъсирчанлиги мутлақо йўқолади.

Ботулизм чиқарувчи маҳсулотлар ташқи кўринишида яхши бўлиши мумкин. Банкларнинг қопқоғи кўтарилмаган ҳоллари ҳам учраб туради. Аммо қопқоқлари кўтарилган консерваларни истеъмол қилишга асло шошилманг.

Токсин пайдо бўлган маҳсулотларни аниқлаш мумкинми? Қопқоқ ўз ҳолатини ўзгартирган бўлса, банка ичидан ачиган сифат ёғ хиди пайдо бўлади. Маҳсулотлар бўшашиб, ранги хиралашиб қолади. Бундай консервалар истеъмол қилинмас, олти ярим соатдан сўнг, захарланиш ўта тезлик билан ҳаракат қилади.

Токсин қонга ошқонан ичак йўллари орқали ўтади. Бош мия тўқималарининг асаб қисми бўлинмаларини зарарлайди. Бу томирларга шикаст

етказувчи захар ҳам ҳисобланади.

Касаллик аломатлари киши ҳаракатини сусайтиради. Мускуллар бўшашиб, бош айланаб оғрийди. Қайд қилиш мумкин. Аммо ич кетиш ҳоллари кам бўлади. Ич қотиши, қорин шишиши кузатилади. Тана ҳарорати меъридан ош-

КЛУБДАГИ УЧРАШУВ

ЎЗБЕКИСТОН Дўстлар клубида бўлиб ўтган навбатдаги учрашув мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш муаммолари билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш йўллари кидиришга бағишланди.

Клубни Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ҳамжарамаси бундан бир неча йил бурун «Марказий осиеда иқтисодий ва ислохотларни ривожлантириш лойиҳаси» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этган эди. Клуб фаолиятдан қўзланган мақсад жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Бу галги учрашувда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоси ва уларни ҳаётга қайтариш билан шуғулланган ноҳукумат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро жамғармалар ходимлари ҳамда хорижий дипломатлар иштирок этиди. Учрашув қатнашчилари юртимиз ва хорижда шу мавзуда ишлаб чиқилган лойиҳалар билан таниди. Мамлакатимизда ногиронларнинг тиббий муаммоларини ҳал этиш ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан оёққа қўйиш масаларига катта эътибор берилётгани, бу борада махсус давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилаётгани қайд этилди. Бу ишда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда, албатта.

Ишчилик иштирокчилари ўзaro фикр алмашиш ҳараёнида бу соҳада имкон қадар ҳамкорлик қилиш йўналишларини белгилаб, бу йўналишларнинг бевосита кўмакка муҳтож йўлларни аниқлаб олдидлар. Биргаликада ҳамкорлик қилиш бўйича бир қанча шартномалар имзоланди.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Об-ҳаво

ХАРОРАТ ПАСАЯДИ

Республика об-ҳаво қурасти бозор маҳсулатининг ҳабарига кўра пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида 7-11 октябрь кунлари ҳарорат ўзгариб туради. Дастлаб кечаси 9-14, кундуз кунлари 22-27 даража бўлса, кейинчалик кечаси 3-8, кундуз кунлари эса 13-18 даража иссиқ бўлиши кутилади. Айрим ҳудудларда ёмғир ёғади.

ХУШТАЪМ ИЧИМЛИКЛАР

ЎРТАЧИРЧИК туманидаги мавжуд корхоналар оила йилида эришган ютуқлардан бири аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда ўз ифодасини топтомоқда.

Бу мақсад ҳудуддаги нон комбинатида қарашли салқин ичимликлар цехи фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланди. Цех сўнгги оилар ичида унумдорликни янада оширади. Ишчилар тайёрлаётган «Анонас», «Кулупнай», «Ситрун», «Олча» каби ичимликлар харидоригр бўлиб қолди.

Ўз касбига маъсулият билан ёндашаётган Абдулла Туронов, Гулчехра Тўлаева, Феруза Жамилова, Камол Маматов, Алимардон Қаҳҳор қабиларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар ойда 2,5-3 миң шиша хуштаъм маҳсулот истеъмолчиларга етиб бормоқда.

Усмонали ҲАМИДОВ.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «Жавохир» Акционерлик жамияти	ТУГАТИЛАДИ.
Давволар бир ой давомиде қабул қилинади. Манзил: Аузов кўчаси, 1 ^а уй.	
Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги «Бурок» фирмаси	ТУГАТИЛАДИ.
Давволар бир ой давомиде 56-16-36 рақамли телефон орқали қабул қилинади.	

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ • **ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
133-40-48
Эълонлар:
133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.